



NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMI FARMOYISHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

2022 - yil 26 - mart

37-5-74-F/22

Nurota tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигига ўтказилган мамлакатимизда хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишинланган видеоселектор йиғилишларида белгилаб берилган вазифалар ва вилоят ҳокимининг 2022 йил 5 мартдаги 27-5-0-F/22-сонли фармойиши ижросини, туман худудидаги таълим муассасалари, маҳалла ҳамда корхона ва ташкилотларда сиёсий-ижтимоий, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳамкорлик самарадорлигини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

1. Туман ички ишлар бўлими, туман ҳокимлиги билан бирга, хукукни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йигинлари ва корхона, ташкилот, муассасаларда сиёсий-ижтимоий, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича уч босқичда профилактик тарғибот-ташвиқот тадбирларини (кейинги ўринларда-тадбирлар деб юритилади) ташкиллаштириш чораларини кўрсинг.

2. Тадбирларни қўйидаги уч босқичда:

биринчи босқич, жорий йилнинг 3 март кунидан бошлаб, туман худудидаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактабларида,

иккинчи босқич, жорий йилнинг 25 март кунидан бошлаб, туман худудидаги барча маҳалла фуқаролар йигинларида;

учинчи босқич, жорий йилнинг 25 апрель кунидан бошлаб, туман худудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилишига розилик берилсин.

3. Таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йигинлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда уч босқичли профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилишини таъминлаш бўйича туман ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда - туман ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ишчи гурухига туман сектор раҳбарлари билан биргаликда:

туман худудида ўтказилаётган тадбирларга қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда

худудий давлат ва хўжалик бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг тўлиқ иштирокини таъминлаган ҳолда уларнинг вазифаларини белгилаб бериш;

жойларда ўтказиладиган учрашувларда спиртли ичимликлар ва гиёвандлик воситалари истеъмолининг заарли оқибатлари, хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш, одам савдоси, диний экстремизм, ўғирлик, фирибгарлик, гиёвандлик, фоҳишахона сақлаш, қотиллик, тан жароҳати етказиш, оила ва турмуш доирасидаги хукуқбузарликлар, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа турдаги жиноятлар ва хукуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олишда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни кучайтириш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларнинг хукукий саводхонлигини ошириш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши;

тадбирларни ўтказиш жараёнида ўқув муассасаларида, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борада ёшларга яратилаётган шароитлар тўғрисида кенг тушунчалар бериш;

ноқонуний ташқи миграциянинг салбий оқибатлари, ўтган даврларда чет давлатларга кетиши билан боғлиқ содир этилган баҳтсиз ҳодисалар, нохуш ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиши сабабларини тушунтириш;

ҳар бир маҳалла ва овулларда аҳоли билан сайёр учрашувлар ўтказиб, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиши, темир дафтар, ёшлар ва аёллар дафтирига киритилган шахслар бандлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиши вазифаси топширилганлиги инобатга олинсин.

5. Туман “Нурнома” газетаси (Л.Бозоров), тадбирлар жараёнида амалга оширилган ишларнинг аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Туман ички ишлар бўлими (У.Шукуров), тадбирлар жараёнида амалга оширилган ишларнинг натижалари хақида ҳар 15 кунда вилоят ички ишлар бошқармасига ахборот бериб борилишини таъминласин.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Ismatovich F. A.

Nurota tuman hokimining
2022 yil 26 martdag'i
37-5-74-F/22-son farmoyishiga
1-ilova

**Таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йигинлари ҳамда корхона, ташкилот ва
муассасаларда уч босқичда профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилишини таъминлаш
бўйича туман ишчи гурӯҳи**

ТАРКИБИ

Т.Р	Ф.И.Ш.	Лавозими
1..	Ш.Вафоев	Туман ҳокими ўринбосари, ишчи гурӯҳ раҳбари
2.	Ф.Имомов	Туман Ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Аъзолари

3.	С.Кулмонов	Туман давлат солиқинспекцияси бошлиғи
4.	У.Сувонов	Туман адлия бўлими бошлиғи
5.	С.Турдиев	Туман прокурори ёрдамчиси
6.	Ш.Ҳамидова	Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси
7.	Ў.Каримов	Туман маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари
8.	Б.Бобоназаров	Туман халқ таълими бўлими мудири
9.	Ю.Бабаяров	2-сон Касб-хунар мактаби директори
10.	У.Усмонов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Нурота туман бўлими бошлиғи
11.	Ш.Исматуллаев	“Худудгаз Навоий” масъулияти чекланган жамияти “Нуротатумангаз” филиали бош мухандиси
12.	У.Фармонов	Нурота туман электр тармоқлари бошлиғи в.в.б
13.	Лавозимига кўра	Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари

Изоҳ: Туман ишчи гурӯҳи аъзолари хизмат жойларини ўзгартирган ёки лавозимдан озод этилган тақдирда уларнинг ўрнига лавозимига тайинланган ходим ишчи гурӯҳ аъзоси ҳисобланади.